

ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хасанова Нодира Марифжоновна
Тошкент Кимё Халқаро университети
тадқиқотчиси

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарори ижросини таъминлашда, амалдаги счётлар режасини, жумладан молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган ва амалий таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: молиявий натижалар, тушум, даромад, таннарх, харажат, молиявий ҳисобот шакллари, халқаро стандартлар.

Аннотация: В целях обеспечения реализации Постановления Президента Республики Узбекистан от 24 февраля 2020 года № ПП-4611 высказаны мнения по совершенствованию действующего Плана счетов бухгалтерского учета, в том числе счетов, отражающих финансовые результаты, на основе международных стандартов и а также сформулированы практические предложения совершенствование счёта доходы и расходы.

Ключевые слова: финансовые результаты, выручка, доход, себестоимость, расход, формы финансовой отчетности, международные стандарты.

Abstract: In order to ensure the implementation of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2020 No. PP-4611, opinions were expressed on improving the current Chart of Accounts, including accounts reflecting financial results, based on international standards. Practical proposals were also formulated to bring information on accounts reflecting income.

Keywords: financial results, revenue, income, cost, expense, financial reporting forms, international standards.

Кириш. Маълумки, фойда ва зарарлар, яъни молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва унинг ҳисоботини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижаларни ҳисобга олишда “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш (1-сон БҲҲС)”, “Фойда солиқлари” (12-сон БҲҲС), “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” (1-сон МҲҲС), “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” (15-сон МҲҲС) ва “Молиявий ҳисобот маълумотларини ёртиб бериш ва тақдим этиш (18-сон МҲҲС) стандартларида молиявий натижаларни шакллантириш, уларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олган. Олиб борилаётган тадқиқотларда молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботи бўйича халқаро

стандартларини амалиётда қўллаш ва уни такомиллаштириш каби долзарб масалалар илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини халқаро стандартларга (МХХС) мувофиқ уйғунлаштириш вазифаси белгилаб берилган эди [1]. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарда молиявий натижаларни ҳисобга олувчи даромадлар ва харажатлар счётларини ҳам халқарога мос равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқот натижалари ва халқаро амалиётни ўрганиш натижасида молиявий натижаларни акс эттирувчи, яъни ялпи фойдани шаклланишида муҳим маълумотларни берувчи счётларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар берилди:

1. 9000 - “Тушум” счёти бўйича:

9010 - “Бир вақтнинг ўзида тан олинган тушум” счёти;

9020 - “Давр давомида тан олинган тушум” счёти;

9030 - “Тушумга тузатиш киритиш” (камайтириш учун) счёти.

2. “Таннарх” счёти бўйича:

9110 - “Бир вақтнинг ўзида тан олинган таннарх” счёти;

9120 - “Давр давомида тан олинган таннарх” счёти

9130 - “Таннархга тузатиш киритиш” (камайтириш учун) счёти

Натижада, биз томонимиздан таклиф этилган счётлар асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

1. “Тушум” ни тан олиш:

Дебет 4010 - “Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар” счёти ёки “Харидор ва мижозларнинг қисқа муддатли дебиторлик қарзлари” счёти.

Кредит 9010 - “Бир вақтнинг ўзида тан олинган тушум” счёти;

2. “Таннарх” ни тан олиш:

Дебет 9110 - “Бир вақтнинг ўзида тан олинган таннарх” счёти.

Кредит 2810 - “Омбордаги тайёр маҳсулот” счёти ёки “Тайёр маҳсулот” счёти (Қисқа муддатли активлар).

Таклиф этилган счётларни корхоналар мисолида кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз. Масалан: “Қизилқумцемент” АЖ ўз мижози “САМО” МЧЖ билан цемент етказиб бериш бўйича шартнома тузади (Шартнома қиймати 150 млн.сўм). Бу ерда цемент маҳсулоти белгиланган сифат бўйича ишлаб чиқарилган ва уни мижозга етказиб бериш режалаштирилган. “Қизилқумцемент” АЖ тушумни бир вақтнинг ўзида ёки вақт ўтиши билан тан оладими?

Фикримизча, 15-сон МХХС қоидаларига кўра, акциядорлик жамияти томонидан бажарилган иши учун, яъни ишлаб чиқарилган цемент маҳсулоти учун ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга ёки йўқлигига боғлиқ бўлади. Натижада,

“Қизилқумцемент” АЖ вақт ўтиши билан даромадни тан олади, чунки:

биринчидан, муқобил фойдаланишга эга бўлмаган цемент маҳсулотини яратади (юқори сифатли ва халқаро даражадаги тан олинган маркада);

иккинчидан, тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

“Қизилқумцемент” АЖ бухгалтери томонидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

1. Тан олинган тушум суммасига:

Дебет 4010 - “Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар” счёти ёки “Харидор ва мижозларнинг қисқа муддатли дебиторлик қарзлари” счёти - 150 млн сўм.

Кредит 9010 - “Бир вақтнинг ўзида тан олинган тушум” счёти - 150 млн.сўм.

2. Сотилган цементнинг таннархи суммасига:

Дебет 9110 - “Бир вақтнинг ўзида тан олинган таннарх” счёти - 110 млн сўм.

Кредит 2810 - “Омбордаги тайёр маҳсулот” счёти ёки “Тайёр маҳсулот” счёти - 110 млн сўм.

Ўз навбатида акциядорлик жамиятига тўлаш ҳуқуқига эга ёки йўқлигини баҳолаш корхона фаолият юритадиган ҳуқуқий тизимга жуда боғлиқ. Корхоналар ҳар бир шартнома учун алоҳида тўлов ҳуқуқини баҳолашлари керак, чунки ҳар бир шартнома бошқача бўлади ва ҳатто бир хил келишувлар бошқа юрисдикциялар туфайли бошқа хулосага олиб келиши мумкин. Демак, умумий тамойил шундан иборатки, тушум маълум бир вақтда тан олинади. Шундай бўлсада, юқоридаги 15-сон МҲХСнинг тегишли бандларидаги мезонлардан бири бажарилса, даромад вақт ўтиши билан тан олиниши кўрсатилган.

Демак ушбу 9010, 9020 ва 9030 счётлар корхонада тушумларни бир вақтни ўзида, давр мобайнида тан олиш ва унга тузатишни киритишда халқаро 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли стандартда белгиланган қуйидаги қоидаларига уйғунлигини таъминлайди.

Хулоса. Юқоридаги билдириб ўтилган фикрлар ва таклифлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчи, эндиликда молиявий натижаларни шакллантиришда фойда ва зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар ҳақидаги ҳисобот номи билан амалдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни номланиши ва таркибига ҳам жиддий ўзгартиришлар киритишни талаб этмоқда. Биз томонимиздан таклиф этилган молиявий ҳисоботга тегишли фойда ва зарар элементларини киритилиши, мазкур ҳисоботдан фойдаланишни тушунишга ёрдам беради;

иккинчи, аввал амалиётимизда мавжуд бўлмаган молиявий ҳисобот миллий стандартларини ишлаб чиқилиши кичик тадбиркорлик субъектлари, яъни иқтисодиётимизни кенг қатламига эга бўлган кичик бизнес учун молиявий ҳисоботларни, жумладан даромадлар ва харажатлар тўғрисида аниқ

ва ишончли маълумотларни шакллантиришда меъёрий-ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади;

учинчи, келгусида инвесторлар учун молиявий натижалар ҳақидаги ахборотлар муҳимлигини инобатга оладиган бўлсак, айнан “Фойда ва зарар ёки бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” шакли тадбиркорлик субъектларининг ҳисобот даври ёки даврлар оралиғидаги даромад ва харажат бўйича ишончли маълумотларни ўзида акс эттиради;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. <https://lex.uz/docs/4746047>
2. 15-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти: Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум. Расмий таржима. Т-2022 йил.
3. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi. Darslik. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019-у. 624 б.
4. Ташназаров С. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1 [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP- SEL” МЧЖ нашриёти, 2023 - 580 бет.
5. О.Холмуродов. Молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқт фан бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дараж олиш учун бажар. дисс авт. Тошкент. 2025 йил. 57 б.
6. И.Очилов, Н.Ризаев, М.Калонов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. (номутахассисликлар учун) Тошкент. «IQTISOD-MOLIYA». 2022 йил 272 б.
7. Молиявий ҳисоботнинг миллий стандарти (МХМС). Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва МХХС Фонди. 2022 й.